



ИЧКИ ВА ТАШҚИ МИГРАЦИЯНИНГ ОИЛА
БАРҚАРОРЛИГИ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРГА
УЗОҚ МУДДАТЛИ ТАЪСИРИ

Абдуваҳобов Ҳусниддин Абдулхамид ўғли

Мустақил тадқиқотчи

abduvahobovhusniddin99@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20195760>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 1-may 2026 yil
Ma'qullandi: 5-may 2026 yil
Nashr qilindi: 15-may 2026 yil

KEY WORDS

миграция, оила
барқарорлиги, демография,
ажрим, туғилиш, болалар
психологияси, ички миграция,
никоҳ миграцияси, демографик
қариш, меҳнат муҳожирлиги.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистонда ички ва ташқи миграция жараёнларининг оила барқарорлиги ва демографик ривожланишга узоқ муддатли таъсири таҳлил қилинади. Тадқиқотда миграциянинг ажримлар сонининг ошишига, туғилиш кўрсаткичларининг пасайишига ва оила институтининг заифлашувига таъсири кўрсатилади. Хусусан, ота-онаси миграцияда бўлган болаларнинг психоэмоционал ҳолати, таълим сифати ва ижтимоий ҳимоя муаммолари ёритилади. Шунингдек, никоҳ миграцияси тенденцияси, ҳудудий демографик нумтаносиблик ва малакали кадрлар йўқотилиши масалалари кўриб чиқилади.

КИРИШ

Бугунги кунда ички ва ташқи миграция жараёнлари Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва оила институти барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатувчи омилга айланмоқда. Бу омиллар эса никоҳнинг барқарорлиги, ажрим даражаси, туғилиш жадаллиги, ёш таркиби, ички кўчиш оқимлари ва ҳатто меҳнат ресурсларининг ҳудудий тақсимланишидаги нумтаносибликка таъсир қилмоқда.

Шунингдек, миграция жараёнлари оила ришталарининг заифлашишига сабаб бўлиб, бунинг натижасида туғилишлар сони камайиши, ажримлар сони ортиши ҳамда тўлиқсиз оилалар сонининг кўпайиб боришига олиб келмоқда. Натижада жамиятнинг таянч устуни бўлган оила институтига жиддий хавф туғдирмоқда.

Ташқи миграция билан боғлиқ салбий ижтимоий-демографик оқибатларни камайтириш, меҳнат муҳожирлари ва улар оилаларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини ошириш, муҳожирлар оилаларининг ижтимоий-демографик барқарорлигини мустаҳкамлаш зарурати вужудга келмоқда.


Бугунги кунда Ўзбекистонда ажримлар сони йилдан-йилга ошиб бориш ҳолати кузатилмоқда. Ушбу жараёнларда мигрантлар улуши ҳам сезиларли даражада ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, никоҳдан ажралишлар сони 46,9 минг бирлик, ҳар минг аҳолига нисбатан ажралиш коэффициенти 1,2 промиллени ташкил этди.

Ажралишлар сони 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 минг бирликка кўпайган.

Миграция жараёнларида қатнашувчиларнинг аксарияти репродуктив ёшдаги яъни 20-39-ёшдаги аҳоли қатламини ташкил қилмоқда. Бу ўз навбатида оила қуришнинг кечитирилишига, оилаларнинг узоқ муддатли бирга яшамасликлари ортидан фарзанд кўрмаслик ортидан демографик-ижтимоий хавфларни келтириб чиқаради.

Шунингдек, никоҳ миграциясининг ортиб бораётганлиги ҳолатларини ҳам кузатишимиз мумкин. Хорижий давлатлардан Бирлашган араб амриклари, Қатар, Россия, Туркия, Жанубий Корея, АҚШ каби давлатларга аёлларнинг миграцияси ошиб бораётганлигини кўрамиз. Аёлларнинг миграцияси ҳозирда никоҳ миграциясига айланиш тенденцияси кучайиб бормоқда.



Мисол
"Ekono

бўлган
т эллик

келинлар улушида 2025 йил якуни бўйича 13.7 % билан дунё мамлакатлари ичида Суриядан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

Мамлакатимизни тарк этиб, чет элликларга турмушга чиқаётганларнинг мутлақ кўпчилигини репродуктив ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги хотин-қизлар ташкил қилмоқда. Бу мамлакат генофондининг ташқарига чиқиб кетишини янада кўпайиб бораётганини англатади. Туғилиш кўрсаткичларининг табиий равишда пасайиб бораётган бир шароитида, бундай миграция демографик қариш тенденцияларини янада тезлаштиради ва келажакда меҳнат ресурсларининг танқислигига олиб келади.

Бугунги кунда ташқи миграциясига фақат иқтисодий омил сифатида қараш стратегик хато ҳисобланади. Оила институтининг миграция таъсирида заифлашуви давлатнинг таянч устунларига путур етказувчи кечиктирилган таъсир қилувчи хавф сифатида баҳоланиши лозим.

Биламизки бизнинг жамиятимизда оиланинг бирламчи ҳамда муҳим вазифаларидан бири – фарзандни ижтимоийлаштириш ҳисобланади. Ота ёки онанинг узоқ вақт давомида уйдан узоқда бўлиши сабабли бу функция тўлиқ бажарилмайди. Натижада, таълим олишга қизиқиши паст, психологик травмаларга эга ва девиант яъни жиноятчиликка мойил хулқ-атворли ёшлар қатлами кенгайиб боради. Ушбу авлод 10-15 йилдан сўнг келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий муаммолари давлат учун ҳар тарафлама хавф ҳисобланади.

Давлатнинг барқарорлиги фуқароларнинг умумий қадриятлар атрофида жипслашишига боғлиқ. Оила эса бу қадриятларни авлоддан-авлодга етказувчи ва сақлаб қолувчи асосий кўприқдир. Оила институти заифлашганда, авлодлар ўртасидаги миллий, маданий ва маънавий қадриятлар алмашинуви узилади. Ота-она тарбиясини олмаган ёшлар онгида пайдо бўладиган мафкуравий бўшлиқни турли хил

радикал оқимлар, ёт ғоялар ёки деструктив ахборот хуружлари осонлик билан тўлдиради. Бу эса бевосита давлатнинг ички хавфсизлигига таҳдиддир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ота-она назоратидан четда қолган ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликлар ва ёт ғояларга эргашиш тенденцияси юқори. Бундай муҳитда улғайган ёшларда мафкуравий бўшлиқ юзага келмоқда. Бу бўшлиқни ташқи деструктив кучлар тўлдиришга уринаётгани жамият барқарорлиги учун жиддий хавфдир.

Ўзбекистонда ота-онасининг бири ёки ҳар иккиси миграцияга кетганда, уйда қолган болалар кўпинча кекса оила аъзолари билан қолади ва катта ёшли қариндошлар уларга ғамхўрлик қилувчи вазифасини бажаради. Ота-онанинг узоқдалиги парвариш қилиш тартибида узилишлар ва ўзгаришларга олиб келгани сабабли, бундай болалар ривожланиш, психоижтимоий ва ҳиссий муаммоларга дуч келишлари мумкин. Ота-оналарнинг миграцияси, шунингдек, болаларнинг таълими, соғлиғи ва ижтимоий мақомига ҳам зарарли таъсир кўрсатади. Бу уй юмушлари ва масъулиятларнинг ортиши ҳисобига боланинг эрта улғайишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида овқатланиш одатларига, академик ўзлаштиришига таъсир қилиб, депрессияни келтириб чиқариши мумкин.

ЮНИСЕФ Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган «Жануби-шарқий, Жанубий ва Марказий Осиёда миграциядан жабр кўрган болаларни ҳимоя қилиш» номли йирик минтақалараро лойиҳа билан ҳамкорликда мамлакатнинг 4 та вилоятида ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ жойларида «Миграциянинг Ўзбекистон болаларига таъсири» мавзусида тадқиқот олиб борган. Тадқиқот натижаларига кўра, ота ёки онаси миграцияда бўлган болалар орасида таълим даражасининг пасайишига, ривожланишдан орқада қолишига ва психоижтимоий фаровонликнинг ёмонлашишига олиб келганлиги аниқланган.

Ота-оналарнинг миграцияси болаларнинг ижтимоий ҳимоя, сифатли таълим, тарбияси ва жамият ҳаётида ўз ўрнини топишларига тўсқинлик қилади. Миграциянинг ижтимоий оқибатларини тан олиш миграциянинг болаларга кўрсатадиган салбий таъсирларини юмшатиш бўйича жиддий тадбирлар ва ислохотларни амалга ошириш лозим.

Ота-оналарнинг миграцияда бўлиши болаларнинг ҳиссий фаровонлигига салбий таъсир кўрсатади. Ўтказилган сўровларда қатнашган болаларнинг тахминан 33 фоизи бахтсизлик ҳиссини бошдан кечирishi ва

21 фоизида хавотир ёки безовталиқ кузатилган. Бундан ташқари, болаларнинг кўпчилиги ота-онаси ёки улардан бири миграцияга кетганидан сўнг дарҳол кайфияти ёмонлашганини таъкидлайди.

Ота-оналарнинг миграцияси сабабли ёлғиз қолган болалар оилавий узилишлар оқибатларидан азият чекишлари, етарлича ғамхўрлик кўрмасликлари мумкин. Бу эса, айниқса, болаларнинг психологик ва ҳиссий соғлиғига таъсир қилиши мумкин. Айрим ҳолларда, болалар одатда катталар томонидан бажариладиган вазифалар, масалан, ука-сингилларига қараш, уй юмушлари ва қишлоқ хўжалиги ишлари учун масъул бўлиб қолишлари мумкин, бу эса уларнинг таълим олишига ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишига халақит беради.

Хусусан, тадқиқот болаларга кўрсатиладиган учта муҳим потенциал салбий таъсирни аниқлади:

Биринчиси, кўпчилик ота-оналар ишлаш мақсадида кетишганда фарзандларини яқин қариндошларига ёки ёши катта инсонлар қарамоғига қолдириши энг кенг тарқалган амалиёт ҳисобланади. Кўп ҳолларда, қариндошлар васийлиги болалар учун хавфсиз ва барқарор муҳит бўлиб хизмат қилади. Бироқ, бундай ҳолатлар қонуний жиҳатдан расмийлаштирилмаган ва ваколатли давлат органларида рўйхатга олинмаган бўлади ҳамда бошқа ҳолатларда, айниқса ғамхўрлик қилувчи қариндошнинг иқтисодий

муаммолари мавжуд бўлганда, болалар эътиборсизлик, ортиқча меҳнатга жалб қилиш ва шафқатсиз муомала хавфи остида қоладилар.

Иккинчиси, ота-оналар миграциясининг болалар психоэмоционал ҳолатига таъсири. Оиладаги вазиятдан қатъи назар, аксарият болалар ота-онаси узоқда бўлган вақтда уларни қаттиқ соғиниши кузатилди. Олиб борган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ота-оналарнинг меҳнат миграцияси энг аввало болаларнинг руҳий саломатлигига жиддий зарба беради.

Тадқиқот жараёнида оилада отанинг миграцияга кетиши ва болаларда руҳий барқарорликнинг пасайиши ўртасидаги узвий боғлиқликни тасдиқловчи қатор далилларни аниқланди хусусан, отасиз яшаётган болаларнинг кўпчилиги ўзларида тез-тез кайфият бузилиши, жаҳлдорлик ва қайғу ҳиссини бошдан кечираётганини таъкидлашди. Шунингдек, маълумотларда ота-онанинг миграция муддати узайиб бориши билан, айниқса кам таъминланган оилаларда болаларнинг психоэмоционал ҳолати муттасил ёмонлашиб боришини тасдиқлайди. Ота-онасини соғинган болаларда стресс даражасининг кескин ошиши, кайфиятнинг беқарорлиги ва хулқ-атвордаги салбий ўзгаришлар намоён бўлади, бу эса, ўз навбатида, боланинг умумий руҳий соғломлиги ва ривожланишининг бошқа жиҳатларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.


Учинчиси, миграциянинг болалар ҳимояси ва ижтимоий фаровонлигига таъсирidir. Мигрант ота-оналар томонидан болалар ва уй ҳўжалиги ташлаб кетилган ҳолатларда, болаларнинг хавфсизлиги ва ижтимоий ҳимояси турли омиллар таъсирида жиддий хавф остида қолади. Ўтказган таҳлиллар шуни кўрсатдики, болаларга ғамхўрлик қилувчилар кўп ҳолларда болани тарбиялаш ва назорат қилишнинг турли, баъзида эса кескин усуллари қўллашга мойил бўлмоқдалар. Хусусан, сўровда қатнашган болаларнинг тахминан 7 фоизи жисмоний жазоларни бошдан кечирган, 3 фоизи ўз уйида, 6 фоизи эса мактаб шароитида турли хил кўринишдаги тазйиқ ёки озор чекканини маълум қилган.

Болаларнинг учдан бир қисми ота-оналарининг миграцияси сабабли қўшимча масъулиятларни ўз зиммасига олишига тўғри келади ва бу асосан уй юмушларини бажариш, энагалик қилиш ҳамда ука-сингилларига қараш билан боғлиқ. Болаларнинг ўзлари бу қўшимча ишни ўқишларига ёки ҳаётининг бошқа жиҳатларига халақит берадиган муаммо сифатида қабул қилишмайди. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатадики, уй юмушларининг кўпайиши болаларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатади.

Меҳнат миграцияси нафақат оиладаги болаларга, балки никоҳнинг ўзига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, меҳнат миграцияси муайян ёш гуруҳларида эркаклар ва аёллар сонининг номуносиблигига ҳам олиб келади. Четга ишлашга бориб келганидан кейин ёшларнинг оила ва никоҳ ҳақидаги ўз тасаввурларини ўзгартириши, никоҳ тузиши ва болаларнинг туғилишини кечиктириши, улар ишлаган мамлакат одамларининг турмуш тарзига тақлид қилиши, жинсий шерикларни ўзгартириш ва ажримга оддийроқ муносабатда бўлиш ҳолатлари ташвишли ҳисобланади.

Бундай болалар ривожланиш, психосоциал ва эмоционал муаммоларга дуч келишлари мумкин, чунки ота-оналарнинг йўқлиги болаларни парвариш қилишда муаммоларни келтириб чиқаради. Айниқса, ота-оналарнинг миграцияси боланинг таълимига, соғлиғига ва ижтимоий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Ота-оналарнинг йўқлиги уй ишлари ва масъулиятнинг кўпайиши туфайли боланинг эрта вояга етишига олиб келиши мумкин, бу эса, ўз навбатида соғлом турмуш тарзи, академик кўрсаткичларга таъсир қилиши ва депрессияни келтириб чиқариши мумкин.

Бугунги кунда ташқи миграцияда Ўзбекистонда мавжуд ҳудудлар кесимининг улушига ҳам эътибор қаратадиган бўлсак, статистик маълумотларга кўра, Қорақопоғистон, Навоий ва Тошкент вилоятларида вилояти сўнгги 5 йилликда қолган вилоятларга нисбатан юқорилигини кўришимиз мумкин.



Бу... олиш ҳамда профилактик ишларни амалга ошириш мақсадида ўсиш сурати юқори бўлган вилоятлар

Демографик мувозанатни бузиши ва шаҳар инфратузилмасига босим ўтказиши, шаҳар ва вилоят марказларига аҳолининг назоратсиз кўчиб келиши натижасида юзага келадиган инфратузилма заифлашуви ва жиноятчилик хавфи ортиши, чегараолди ҳудудларнинг аҳолидан бўшаб қолиши ёки доимий аҳоли сонинг камайиб кетиши каби жиддий хавфларни вужудга келтириши мумкин.

Шунингдек, ички миграция мамлакат ичида аҳоли жойлашувининг кескин нотекислигига яъни, ҳудудий ассиметрияни вужудга келтириши мумкинлиги таъкидланмоқда. Ички миграцияда асосан қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиши кузатилади, бунинг натижасида қишлоқ аҳолисининг эрта кексайиш ҳолати кузатилади.

Хусусан, вилоятлар орасида ички миграция ҳам йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилда 5.5% бўлган ушбу кўрсаткич 2025 йилга келиб 6.6% ни ташкил қилди.

Ички миграцияда охириги 5 йилликда Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри юқори ўринларни эгаллаган. Юқорида таъкидланганидек, аҳолининг ички миграцияси натижасида қишлоқлар ва кичик шаҳарларни энг фаол, билимли ва меҳнатга лаёқатли ёшлар тарк этади. Оқибатда чекка ҳудудларда асосан қариялар ва болалар қолади. Бу ҳолат ўша ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини секинлаштиради, қишлоқ хўжалиги ёки маҳаллий ишлаб чиқаришда ишчи кучи етишмовчилигини келтириб чиқаради ҳамда ҳудудлар ўртасидаги тенгсизликни янада чуқурлаштиради.

Шунингдек, аҳолининг бир жойга зич жойлашиши, автомобиллар сонининг кескин ортиши ва яшаш жойлари қуриш мақсадида яшил ҳудудларнинг қисқариши шаҳарлар экологиясини бузади. Ҳавонинг ифлосланиши каби муаммолар умумий саломатлик кўрсаткичларига жиддий зарба беради. Шаҳарга келганларнинг ҳаммаси ҳам расмий ва яхши маошли иш топа олмайди. Шаҳар ҳудудида ишсиз ва аҳоли сони ортиб боради ҳамда ишчи кучининг бир жойда тўпланиб қолиши кузатилади. Бунинг натижасида яширин иқтисодиёт ва норасмий бандлик ортади. Ижтимоий ҳимоядан узилган, меҳнат ва тиббий ҳуқуқлари паймол қилинадиган қатлам шаклланади. Ишсизлик ёки даромадлар тенгсизлигининг шаҳар ичида яққол кўзга ташланиши жиноятчилик ва ижтимоий кескинликнинг ўсишига замин яратади.

Аёлларнинг фертиллик яъни туғиш ёшидаги асосий даврини миграцияда ўтказиши натижасида, оилаларда фарзандлар сони ўртача 3-4 тадан 1-2 тагача қисқармоқда. Бу

ҳозирги кунда ўзининг таъсирини кўрсатмаслиги мумкин, лекин айнан бугунги кундаги кам туғулишлар 20-25 йилдан сўнг демографик жараёнларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Халқаро тажрибаларга асосан, аҳоли сонинг камайиши ёки кўпайишига миграция жараёнларидан ташқари бошқа кўплаб омиллар таъсир қилиши мумкинлиги олимлар томонидан аинқланган.

Данияда ўтказилган тажрибага асосан аёллар учун иш ҳақининг ошиши келажакдаги туғилишни сезиларли даражада пасайтириши аниқланган. Унга кўра, юқори малакали аёлларнинг маошини бир марталик ва доимий равишда 5 фоизга ошириш улардаги барча ёш тоифаларида болалар сонининг базавий кўрсаткичга нисбатан камайишига олиб келади. Бу айниқса 26-32 ёшли аёлларга кучли таъсир кўрсатади. Айрим ёш категорияларида пасайиш

-4.1% га етган. Эркаклар орасида ўтказилган тажрибалар натижасида эса маошнинг 5% га оширилиши болалар сонининг 0.5% га ўсишига олиб келган.

Кам малакали эркаклар ва аёллар орасида ҳам тенденциялар ўхшаш бўлиб, шу билан бирга, 27-34 ёшдаги эркакларда болалар сонининг ўсиши янада яққолроқ намоён бўлган ва +1.2% га етган. Малакаси паст

30 ёшли аёллар орасида эса маошнинг 5% га ошиши фарзандлар сонининг 3.8% га камайишига олиб келган.

Бола парвариши асосан аёллар зиммасига тушганлиги сабабли, улар учун иш ва оила ўртасидаги танлов эркакларга қараганда анча кучли ҳисобланади. Хулоса келиб шуни айтиш мумкинки, эркаклар ва аёллар ўртасидаги меҳнатга ҳақ тўлашдаги тенгсизликка қарши курашишга қаратилган сиёсат билвосита туғилишнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

ХУЛОСА

Умумий хулоса қилиб айтганда, мавзу юзасидан ўрганиб чиқилган таҳлиллар, илмий ишлар ва халқаро ташкилотларнинг асосли хулосалари асосида шуни айта олишимиз мумкинки, миграциянинг узоқ муддатли таъсирини қўйидагиларда кўришимиз мумкин:

Биринчидан, ота-онаси миграцияга кетган, улардан узоқда яшаган болаларнинг ижтимоий-психологик ҳолатларидаги ўзгаришлар, улар катта бўлиб жамиятимизга кириб келган вақтларида ўзининг салбий таъсирини намоён қилиши, жиноятчиликнинг ошиши, оилалардаги ички муҳитнинг ёмонлашуви;

Иккинчидан, қишлоқ ҳудудларидан йирик шаҳарларга йўналган назоратсиз ички миграция мамлакатда ҳудудий демографик номутаносибликни кучайтириб юборади. Бу, бир томондан, шаҳарларда инфратузилмавий юклама ва маргиналлашув хавфини оширса, иккинчи томондан, қишлоқ ҳудудларининг демографик қаришига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, миграция жараёнлари натижасида ёшлар орасида билимли, ақл-заковатли авлоднинг кўплаб чиқиб кетиши натижасида малакали кадрларнинг камсонли қолиши ҳамда демографик дивиденддан тўлақонли фойдалана олмаслик ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин.